

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

БАБАЕВ ШАВКАТ БАЙРАМОВИЧ

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚЛАР
БЎЙИЧА ТУШУМЛАРНИ ПРОГНОЗ ҚИЛИШ
МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on economical sciences**

Бабаев Шавкат Байрамович

Жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар бўйича тушумларни
прогноз қилиш механизмини такомиллаштириш 3

Бабаев Шавкат Байрамович

Совершенствование механизма прогнозирования поступлений
налогов с физических лиц 29

Babayev Shavkat Bayramovich

Improving the mechanism for forecasting tax receipts from individuals 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 60

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

БАБАЕВ ШАВКАТ БАЙРАМОВИЧ

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚЛАР
БЎЙИЧА ТУШУМЛАРНИ ПРОГНОЗ ҚИЛИШ
МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/Iqt.1161 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида bajarilgan.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tsue.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.


Илмий раҳбар:	Худойкулов Садирдин Каримович иқтисодиёт фанлари доктори, доцент
Расмий оппонентлар:	Тошмурадова Бувеара Эгамовна иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Урмонов Жаҳонгир Жалолiddинович иқтисодиёт фанлари доктори, доцент
Етакчи таъсилот:	Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти


Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/10.12.2019.L16.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «30» декабрь сешанба 16⁰⁰ дақиқ мижлисида бўлиб ўтди (Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислоом Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51. e-mail: tdiu@tdiu.uz).


Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида таништириш мумкин (1025 рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислоом Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51. e-mail: tdiu@tdiu.uz).

Диссертация автореферати 2020 йил «15» декабрь куни тарқатилди.
(2020 йил «15» декабрь дақиқ 48 рақамли реестр баённомаси).




Н.Х. Жумаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор


У.В. Гафуров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор


Н.Ғ. Каримов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қoшидаги илмий семинар раиси Уртинбосари, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Давлатнинг молиявий сиёсатида ижтимоий хизматларнинг асосий манбаи бўлган давлат бюджети даромадларини тўғри аниқлаш ва унга мувофиқ равишда харажатлар сиёсатида мутаносибликни таъминлаш дунёдаги барча давлатларнинг асосий функциялари сифатида ўз долзарблигини сақлаб келмоқда. Жаҳон бозоридаги беқарорликнинг сақланиб қолиши, дунё миқёсида умумий ташқи ва ички қарздорликнинг ошиб бориши, давлат бюджетига ўз таъсирини ўтказиб бормоқда. «2020 йил бошида коронавирус пандемияси оқибатида дунё иқтисодиётининг зарар кўриши, давлат бюджетига солиқ тушумлари камайишига, пировардида эса 3,3 трлн. АҚШ долларига тенг миқдорда бюджет тақчиллигининг юзага келиши прогноз қилинмоқда»¹. 2020 йилнинг дастлабки 3 кварталда жаҳон аҳолисининг меҳнат даромадлари 10,7 % га ёки ўтган йилга нисбатан 3,5 трлн. долларга пасайган. Ушбу тенденция жаҳон бўйича кунлик аҳоли жон бошига даромад ўртачадан паст мамлакатларда аҳоли солиқлари ҳисобига бюджетга тушумлар пасайиши натижасида циклик тавсифдаги пассив бюджет тақчиллиги кучайишига таъсир этган.

Ҳозирги кунда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини прогнозлаш макроиқтисодий кўрсаткичлар асосидаги индикатив усуллар воситасида амалга оширилмоқда. Бунда бюджетга солиқ тушумларини тахминлашнинг асоси солиқ базасига таъсир этувчи макропруденциал кўрсаткичлар ҳисобланиб, ушбу услубиёт иқтисодиётдаги барқарор вазиятларда самарали ҳисобланади. Шунга кўра ўрта муддатли фискал сиёсат ва репрезентатив солиқ тизимини жорий этиш шароитида давлат бюджетига жисмоний шахслардан олинадиган солиқларни ўрта муддатли прогнозлашнинг комбинациялашган усуллари, алоҳида солиқ турлари бўйича солиқ тушумларини қисқа ва ўрта муддатли прогнозлашда динамик қаторлар трендига асосланган имитацион, детерминистик, адаптив моделлаштириш усулларидан фойдаланиш бу борадаги илмий тадқиқотнинг муҳим йўналишларидан ҳисобланади.

Ўзбекистонда ўрта муддатли давлат бюджетини режалаштиришга ўтилиши давлат бюджети даромадларининг прогнозлаштиришга ҳам янги ёндашувлар қилишни талаб этмоқда. Ушбу ҳолат жисмоний шахслардан ундириладиган солиқ тушумлари бўйича ҳам прогноз кўрсаткичларини ўрта муддатли даврга ишлаб чиқишда янги мазмундаги илмий тадқиқот ишларини тақозо этмоқда. «Маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг маъмуриятчилиги механизмларининг самарасизлиги оқибатида уларни йиғилувчанлик даражаси етарли эмаслиги, шунингдек, кўчмас мулк ва ер участкаларини тўлиқ ҳисобга олиш ва қийматини объектив аниқлашнинг мавжуд эмаслиги»², худудларнинг солиқ салоҳиятини тизимли таҳлил қилиш орқали солиқ солиш объектларини тўлиқ

¹ <https://www.imf.org/ru/Publications/FM/Issues/2020/04/06/fiscal-monitor-april-2020>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 июндаги «Маҳаллий бюджетларни шакллантиришда жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг ваколатларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5075-сонли фармони.

қамраб олишни таъминлаш, ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятлари ва солиқ тўлаш салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда давлат бюджети даромадлари прогноз кўрсаткичларининг холислиги ва асослигини баҳолаш, даромадлар прогнозини сифатли шакллантириш борасида етарлича муаммолар мавжудлиги³, қолаверса, маҳаллий бюджетлардан амалга оширилаётган харажатларнинг улуши ошиб бораётган бир шароитда, маҳаллий бюджетлар даромадларини прогноз қилишнинг ягона услуги мавжуд эмаслиги, уларнинг асосий даромад манбаи бўлган жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар бўйича прогноз кўрсаткичларини аниқлашнинг илмий-услубий асосларини ишлаб чиқиш ва уни такомиллаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 7 июндаги ПФ-5075-сон «Маҳаллий бюджетларни шакллантиришда жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг ваколатларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 18 июлдаги ПФ-5116-сон «Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 29 июндаги ПФ-5468-сон «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида»ги, 2020 йил 30 октябрдаги ПФ-6098-сон «Яширин иқтисодий қисқартириш ва солиқ органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 апрелдаги 320-сон «Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республикада фан ва технологияларни ривожлантириш устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Солиқ тушумлари, жумладан, жисмоний шахслардан олинадиган солиқларни прогноз қилишнинг илмий-методологик жиҳатлари бир қатор хорижлик иқтисодчи олимлар томонидан илмий тадқиқотлар амалга оширилган⁴. Жумладан, М.Романовский,

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги «Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5116-сонли фармони.

⁴ Налоги и налогообложение. – 5-е изд. / Под ред. М.В. Романовского, О.В. Врублевской. – СПб.: Питер, 2006. – С. 309.; Попков Сергей Юрьевич. Налоговое прогнозирование и планирование в системе управления бюджетом: на примере бюджета города Москвы: диссертация кандидата экономических наук.; Едронова, В.М. Прогнозирование налоговых поступлений в субъекте Российской Федерации/ В.М. Едронова, Н.Н. Акимов // Финансы и кредит. – 2008. - №17 – 51-54 с.; Васильева, М.В. Методы налогового прогнозирования на макроуровне / М.В.Васильева // Управленческий учет. – 2011. - №6 – 63-73 с.; Разник Е.Д., Самсонова И.А. Прогнозирование и планирование в налогообложении: Учебное пособие. – Владивосток: Изд-во ВГУЭС, 2006. 14с.; Лавренчук Е.Н. Налоговое прогнозирование. Экономические науки 2011, 1(74).; Ефимов

О.Врублевская, В.Едророва, М.Васильева, Е.Разник, И.Самсонова, Е.Лавренчук, С.Ефимов, А.Погорлецкий, А.Горбунов, В.Кашин, И.Светуных, Т.Найденова, И.Швецова, А.Кокин, А.Едронов, Н. Тактаров, М.Мигунова, Е.Шередеко, М.Пинская, Л.Королева, Т.Ермошина, В.Коростелева, М.Пыльцина, А.Казьмина, И.Оробинская, Е. Смирнова ва бошқалар томонидан муайян тарзда илмий ишлар олиб борилган.

Ўзбекистон бюджет-солиқ тизимида солиқ тушумларини прогноз қилишнинг айрим амалий ва назарий жиҳатлари Ш.Тошматов, Ж.Урмонов, Б.Санакулова, Н.Ашурова, С.Элмирзаев, С.Худойкулов, А.Шернаев, А.Мусагалиев, И.Эргашев, М.Усмонова, М.Мирзаев, Н.Тилабов, У.Пардаев, А.Агзамов, С.Адизов, О.Мейлиев, А.Ислонкулов, А.Бозоров ва бошқа олимларнинг илмий тадқиқот ишларида ўрганилган⁵.

С.С.Формирование системы налогового прогнозирования и планирования на макроуровне. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – Орёл, 2014. 22 с.; Погорлецкий А.Я. Принципы международного налогообложения и международного налогового планирования. СПб, 2008, 78 с.; Горбунов А.Р. Налоговое планирование и снижение финансовых потерь. – М.: СО «Анкил», 1993.; Кашин, В.А. Полный словарь терминов и нормативных понятий, используемых в деятельности ФНС России АНС России и Росфинмониторинга / В.А. Кашин, А.Б. Паскачев, К.В. Седов. – М.: Магистр, 2007. – 541с.; Светуных И. С., Светуных С. Г. Методы социально-экономического прогнозирования. Том 1. Теория и методология. – Москва: Юрайт, 2015. – 351 с. – ISBN 978-5-9916-4903-2, 978-5-9916-4905-6.; Найденова Т.А., Швецова И.Н. Прогнозирование и планирование налоговых доходов местного бюджета (на материалах мо го «Сыктывкар»). Журнал. Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук. – Москва: Издательство: Научно-информационный издательский центр и редакция журнала «Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук». ISSN: 2073-0071, 2014. – С. 187-197.; Кокин А.С., Едронов А.В. Применение корреляционно-регрессионного анализа в прогнозировании налоговых поступлений в бюджет субъекта федерации. Вестник Нижегородского университета им. Н.И. Лобачевского, 2010, № 2 (1), с. 233–241.; Н. Н. Тактаров Л. О. Тактарова. Краткосрочное прогнозирование налоговых поступлений в консолидированный бюджет Республики Мордовия. Налоги и финансы № 3/2014. Стр.16.; Мигунова М.И. Основы налогового планирования и прогнозирования. Учебное пособие. Красноярск, 2009. 5-6 стр.; Шередеко Е.В., Пинская М.Р. Прогноз поступлений налога на доходы физических лиц с учетом территориального размещения человеческого капитала. // Налоги и налогообложение № 12. 2016 год. – С. 928-938.; Королева Л.П., Ермошина Т.В. Анализ влияния норматива отчислений от налога на доходы физических лиц в бюджеты городских округов на уровень их бюджетообеспеченности и привлекательности (на примере городских округов Приволжского федерального округа РФ). // Налоги и налогообложение. – 2014. – №1. – С.7-22.; Коростелева В.В. Анализ факторов, влияющих на поступления налога на доходы физических лиц (на примере Ханты-Мансийского Автономного Округа-Югры) // Экономика и социум. - 2014. -№1-2 (10). – С. 13-21.; Пыльцина М.В., Казьмина А.Г., Оробинская И.В. Минимизация налога на доходы физических лиц с использованием вспомогательного способа // Финансы и кредит. – 2012. – №21(50).; Смирнова Е.Е. Эффективность администрирования налога на доходы физических лиц // Научное мнение. – 2015. – №2-3. – С. 37-40.

⁵ Тошматов Ш.А. Корхоналарни ривожлантиришда солиқларнинг роли. Монография. – Т.: Фан ва технология, 2008.-204 б.; Урмонов Ж.Ж. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиқ механизми воситасида тартибга солишни такомиллаштириш масалалари. Иқтисодиёт фанлари доктори (DcS) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. <http://diss.natlib.uz>. 2018 йил. 27, 218-220, 225-230-б.; Санакулова Б.Р. Кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш орқали иқтисодий ўсишни таъминлаш. Иқтисодиёт фанлари доктори (DcS) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. <http://diss.natlib.uz>. 2016 йил.; Ашурова Н.Б. Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (DcS) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. <http://diss.natlib.uz>. 2018 йил. 204-2017; 212-214-б.; Элмирзаев С.Э. Корпоратив молияни бошқаришда солиқ муносабатларини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (DcS) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. <http://diss.natlib.uz>. 2017 йил.; Худойкулов С.К. Солиқ тушумларини прогноз қилиш методологиясини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (DcS) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси автореферати. 2019 йил. 14-16; 20-21; 28-29-б.; Шернаев А.А. Давлат бюджети солиқли даромадларининг ўрта муддатли истиқболлини белгилаш масалалари. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Т.: БМА, 2009. -20 б.; Мусагалиев А.Ж. Юридик шахсларни солиққа тортишни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Т.: БМА, 2009. -23 б.; Эргашев И.О. Миллий бозорни химоялашда акциз солиғини ҳисоблаш услубиётини такомиллаштириш. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун

Бироқ ушбу қайд этилган илмий тадқиқот ишларида солиққа тортиш масалалари билан маълум муаммонинг тадқиқи доирасида солиқларни прогноз қилиш, солиқ салоҳияти, солиқ rischi, солиқларнинг макроиктисодий таҳлили сингари жараёнларга оид тадқиқотлар ўрин олган бўлса-да, жисмоний шахслардан олинadиган солиқларни прогноз қилиш масалалари алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Ушбу тадқиқотлардан кўринадики, бугунги кунда асосий даромад манбаи жисмоний шахслардан олинadиган солиқлар бўлган маҳаллий бюджетлардан ижтимоий йўналишдаги харажатларни молиялаштириш ўрни ва улуши ошиб бораётган бир шароитда жисмоний шахслардан олинadиган солиқ тушумлари бўйича прогнозлаш муаммосини алоҳида тадқиқот доирасида чуқур ўрганиш зарур илмий эҳтиёжлардан бири ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг макроиктисодий барқарорлиги ва прогнозлаштирилишини таъминлашнинг илмий-услубий асослари ва услубиятларини такомиллаштириш» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимида жисмоний шахслардан олинadиган солиқлар бўйича тушумларни прогноз қилиш механизми билан боғлиқ жараёнларни янада такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

жисмоний шахслардан олинadиган солиқларни прогноз қилишнинг илмий-назарий жиҳатларини ёритиш;

жисмоний шахслардан олинadиган солиқларни прогноз қилишда қўлланиладиган модел ва методлардан фойдаланиш хусусиятларини изоҳлаб бериш;

жисмоний шахслардан олинadиган солиқларни прогноз қилишнинг зарурлигини асослаш;

тақдим этилган диссертация автореферати. – Т.: БМА, 2011. -22 б.; Т.:2017. 153 б. Пардаев У.Ў. Давлат бюджетини прогнозлаштириш услубиётини такомиллаштириш.иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Т., 2018 й.; Мирзаев Ф.И. Ўзбекистонда солиқ йиғилувчанлиги даражасини ошириш йўллари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. <http://diss.natlib.uz>. 2012 йил.; Тилабов Н.Т. Ҳозирги шароитда солиқларнинг бюджетга ўз вақтида тушиб туришини таъминлаш масалалари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. <http://diss.natlib.uz>. 2004 й.; Агзамов А.Т. Жисмоний шахсларни солиққа тортиш амалиётини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. 2019 й.; Адизов С.Р. Солиқ юқининг макроиктисодий кўрсаткичларга таъсирини баҳолаш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. 2018 й. <http://diss.natlib.uz>.; Мейлиев О.Р. Худудий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашда солиқларнинг таъсирчанлигини ошириш масалалари. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. <http://diss.natlib.uz>. 2018 й.; Исломукулов А.Х. Бюджет даромадларида бевосита солиқлар тушуми барқарорлигини таъминлаш йўллари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. <http://diss.natlib.uz>. 2012 й.; Бозоров А.А. Декларация асосида солиқ солинадиган даромадлар ва уларни солиққа тортишни такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати, 2019 й.;

жисмоний шахслардан олинадиган солиқларни прогноз қилишга таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларнинг прогноз жараёнига таъсир даражаларини баҳолаш;

Ўзбекистон солиқ тизимида жисмоний шахслардан олинадиган солиқларни прогноз қилиш жараёнида солиқ таҳлилини амалга ошириш, тегишли илмий хулосалар олиш;

жисмоний шахслардан олинадиган солиқларни прогноз қилишнинг хориж тажрибасини таҳлил қилиш ва уларни қиёслаш;

жисмоний шахслардан олинадиган солиқларни прогноз қилишнинг янгича вариантдаги методологиясини ишлаб чиқиш;

жисмоний шахслардан олинадиган солиқларни прогноз қилиш бўйича кўп омилли таъсирларни эконометрик таҳлилларга асосланиб баҳолаш;

жисмоний шахслардан олинадиган солиқларни прогнози бўйича солиқ тушумларини прогноз қилиш жараёнини янада такомиллаштириш юзасидан илмий-услубий ва амалий таклифларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон бюджет-солиқ тизимида давлат бюджетига жисмоний шахслардан олинадиган солиқларни прогноз қилиш бўйича молия-солиқ органларининг фаолияти танланган.

Тадқиқотнинг предмети турли даражадаги бюджетларга жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар бўйича солиқларни прогноз қилиш билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муносабатлардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида таҳлилнинг мантикий ва таққослама усуллари, абстракт-мантикий фикрлаш, илмий абстракциялаш, кузатув, умумлаштириш, гуруҳлаштириш, таққослаш, статистик ва эконометрик моделлаштириш, корреляцион ва регрессион таҳлил сингари усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

жисмоний шахслар тўлайдиган солиқлар бўйича тушумларни прогноз қилишда солиқ механизми индикаторларининг ўзаро боғлиқлигига асосланган репрезентатив солиқ тизими вариантлари ишлаб чиқилган;

жисмоний шахслар тўлайдиган солиқлар бўйича прогноз жараёни аниқлигини таъминловчи ташкилий-методологик алгоритми ишлаб чиқилган;

бюджетга солиқ тушумларининг эҳтимолли камайишига олиб келувчи солиқ рискинни идентификациялаш, баҳолаш тартиби эҳтимолли ва билвосита (сифат) ёндашувлари асосида такомиллаштирилган;

жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар бўйича прогноз кўрсаткичларини аниқлаш услубиёти кўп вариантли ижтимоий-иқтисодий омиллар диагностикаси воситасида такомиллаштирилган;

кўп омилли эконометрик таҳлиллар асосида турли даражадаги бюджетларга жисмоний шахслар тўлайдиган солиқлар бўйича солиқ тушумларининг 2024 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

жисмоний шахслар тўлайдиган солиқлар бўйича прогноз жараёнининг янгича назарий талқини такомиллаштирилган;

жисмоний шахслар тўлайдиган солиқлар бўйича прогнознинг ахборот тизими ишлаб чиқилган;

жисмоний шахслар тўлайдиган солиқлар бўйича прогнознинг муҳим бўғини бўлган таҳлилий босқич тизими асослаб берилган;

жисмоний шахслар тўлайдиган солиқлар бўйича прогнознинг хорижий тажрибаси асосида прогнозлашнинг миллий тартиблари такомиллаштирилган ҳолати бўйича эконометрик таҳлилларга асосланган натижалар олинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг таҳлил жараёнида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий маълумотларидан фойдаланилганлиги, ишда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги ҳамда илмий асосланганлиги, келтирилган хулоса, таклиф ва тавсияларнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалиётга жорий этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти жисмоний шахслар тўлайдиган солиқлар бўйича турли даражадаги бюджетларга солиқ тушумларини прогноз қилиш жараёнини янада такомиллаштириш орқали бюджетлар даромадларини режалаштиришда жисмоний шахслар тўлайдиган солиқлар доирасида солиқ тушумларининг прогноз кўрсаткичлари аниқлигини таъминлашнинг назарий-методологик ва услубий аппаратни такомиллаштириш, улардан мазкур мавзу доирасидаги илмий тадқиқот ишларини янада чуқурлаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар, илмий фикр-мулоҳазалар ва назарий ғоялардан солиқларни прогнозлаштиришга оид амалий механизмларни янада такомиллаштириш, олий ўқув юр்தларининг «Солиқ тушумлари ҳисоби ва прогнози», «Солиқлар ва солиққа тортиш», «Жисмоний шахсларни солиққа тортиш», «Молия ва солиқлар» фанлари бўйича ўқув дастурларини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар бўйича тушумларни прогноз қилиш бўйича тадқиқот натижалари асосида:

жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар бўйича прогноз жараёнини амалга оширишда прогнознинг мақсади, вазифалари ва тамойиллари мазмунидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ўрта муддатли (3 йиллик бюджет) бюджетлаштириш амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2020 йил 20 июндаги 06/04-02-01-32/1594-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг жорий этилиши натижасида турли даражадаги бюджетларга жисмоний шахслар тўлайдиган солиқ тўловлари бўйича тушумлар прогноз кўрсаткичларининг ташкилий-услубий жиҳатдан тўғри амалга оширилишини таъминлади ва прогноз жараёнининг объективлиги ҳамда самарали ташкил этишига олиб келди, прогноз қатнашувчи мутахассислари муҳим услубий асосга эга бўлди;

жисмоний шахслардан олинадиган солиқларни прогноз қилиш ва бюджет жараёнида солиқ riskини баҳолаш модели ҳамда маҳаллий бюджетнинг молиявий riskини аниқлаш услубияти Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ўрта муддатли (3 йиллик бюджет) бюджетлаштириш амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2020 йил 20 июндаги 06/04-02-01-32/1594-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф асосида бюджет даромадларининг прогноз кўрсаткичларини аниқлашдаги risk хатарлар ҳамда прогноз кўрсаткичлари тасдиқлангач, солиқ тушумларининг бир маромда бюджетга тушиши билан боғлиқ riskларни аниқ баҳолаш имконини берди, натижада эса давлат бюджети прогноз кўрсаткичларининг ўз вақтида бажарилишига олиб келди, шу жиҳатдан, мазкур модел асосида бюджетдан йўқотишларни аниқлаш орқали юқори иқтисодий самарадорлик таъминланди;

жисмоний шахслардан олинадиган солиқларни прогноз қилиш алгоритмик моделини қўллаш таклифи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ўрта муддатли (3 йиллик бюджет) бюджетлаштириш амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2020 йил 20 июндаги 06/04-02-01-32/1594-сон маълумотномаси). Ушбу моделни амалиётга қўллаш натижасида жисмоний шахслардан олинадиган солиқларни прогноз қилиш жараёнини дастлабки босқичидан тортиб то прогноз кўрсаткичларининг энг оптимал вариант асосида бюджетни режалаштиришгача бўлган жараёнларни иерархияли, кетма-кетлик ва методологик жиҳатдан тўғри ташкил этилишни таъминлади;

жисмоний шахслардан олинадиган солиқларни прогноз қилишнинг математик-мантикий методлари борасидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ўрта муддатли (3 йиллик бюджет) бюджетлаштириш амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2020 йил 20 июндаги 06/04-02-01-32/1594-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг жорий этилиши жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи, мол-мулк солиғи, ер солиғини ҳисоблашни соддалаштиришга, прогноз кўрсаткичларини юқори объективлик ва аниқликда аниқлаш имконини берди, шу жиҳатдан мазкур методларга асосланиш прогноз жараёнини тезкорликда амалга ошириш имконини берди;

жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар бўйича тушумларни прогноз кўрсаткичларини корреляцион-регрессион таҳлилларга, ҳар бир солиқ тури бўйича прогноз кўрсаткичларига таъсир қилувчи омиллар таъсирини баҳолашга асосланган эконометрик модел ёрдамида ўрта муддатли даврга ишлаб чиқиш борасидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ўрта муддатли (3 йиллик бюджет) бюджетлаштириш амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2020 йил 20 июндаги 06/04-02-01-32/1594-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг қўлланиши оқибатида давлат бюджети даромадларини ўрта муддатли режалаштиришга, унда жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар бўйича тушумлар прогноз кўрсаткичларини максимал тарзда аниқлашда муҳим методология сифатида хизмат қилди. Бунда ҳар бир солиқ тури бўйича ўзгарувчан омилларнинг

корреляцион боғлиқлиги асосида умумий солиқ кўрсаткичи ҳажмини осон, қулай ва юқори аниқликда ҳисоблаш имконини берди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, хорижий журналларда 1 та илмий мақола, шунингдек, илмий-амалий конференция тўпламларида 9 та маъруза ва тезислар нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 153 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари ҳамда объект ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Жисмоний шахслардан олинадиган солиқларни прогноз қилишнинг назарий-услубий асослари**» деб номланиб, жисмоний шахслардан олинадиган солиқларни прогноз қилишнинг илмий-назарий жиҳатлари ёритиб берилган, жисмоний шахслардан олинадиган солиқларни прогноз қилишнинг хориж тажрибалари ўрганилган ва Ўзбекистон шароитида қўллаш имкониятлари асосланган.

Солиқларни прогноз қилиш аслида ўрта ва узоқ муддатли миллий иқтисодиётни социал-иқтисодий ривожлантириш прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқиш ҳамда турли даражадаги бюджет лойиҳаларини ишлаб чиқишга асос сифатида хизмат қилади. Ўз навбатида, солиқларни прогноз қилиш ҳам мамлакат миқёсида ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқишда муҳим услубий ва ахборот манбаи сифатида хизмат қилади.

Солиқларни прогноз қилиш ва режалаштириш фақат давлат миқёсида жиддий фарқларга эга бўлади, алоҳида бир иқтисодиёт субъекти даражасида эса прогноз қилиш жараёни келгуси даврларда тўланиши лозим бўлган солиқ тўловлари режадаги миқдорини аниқлашга йўналтирилган чора-тадбирлар тизими сифатида солиқларни режалаштиришга бориб тақалади. Солиқларни прогноз қилиш ва солиқларни режалаштириш ўртасидаги ўзаро алоқалар солиқ тизимининг барқарорлигини таъминлаб, бюджет-солиқ жараёнининг муҳим элементлари фаолияти чегарасини белгилаш имконини беради, солиқларни режалаштириш бажарилиши шарт бўлган миқдорий кўрсаткичлар тизимини кўзда тутувчи солиқ тизими ривожланишининг маълум бир вариантыни қабул қилишга асосланади.

Солиқ тушумларини самарали прогноз қилиш ва режалаштириш муҳим аҳамият касб этади, чунки бир томондан, солиқ тушумлари даражасининг оширилганлиги ўзини оқламаслиги ва бюджетга солиқ тушумларини жалб этишда қийинчиликлар юзага келтириши мумкин, бошқа томондан – солиқ тушумларининг пасайтирилган прогнози бюджет тизими даромадларининг харажатлардан ортиқ бўлишига олиб келиши мумкин, бу эса ўз навбатида, бюджет маблағларини сарфлаш самарадорлигини пасайтиради. Шу боисдан, мамлакат иқтисодиёти, хусусан, солиқ тизимини ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан бири макро ва микродаражада солиқларни прогноз қилиш ва режалаштириш тизимини шакллантириш ҳисобланади.

Муаллифнинг фикрича, жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар прогнози турли даражадаги бюджет даромадларини режалаштириш мақсадида тегишли модел, методларни қўллаган, миқдор ва сифат таҳлилларини амалга оширган ҳолда жисмоний шахсларга қонунчилик билан юклатилган солиқ мажбуриятлари доирасида келиб тушиши мумкин бўлган прогноз кўрсаткичларини аниқлашнинг тизимли ёндашуви тушунилади.

Прогноз бу режалаштиришга хизмат қилиши керак, шу боисдан жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар прогнози бу бюджетни режалаштиришни таъминлаши лозим, ушбу жараёнда эса модел ва методлардан фойдаланиш услубий зарурат, прогноз кўрсаткичларига таъсир этувчи турли омиллар ҳам миқдорий ҳам сифат кўрсаткичлари жиҳатдан таҳлил қилиниши лозим ва жараёнда тизимли ёндашув асосий шартлардан саналади, ана шундагина объективлик даражаси юқори бўлган прогноз кўрсаткичларига эга бўлиш мумкин.

Солиқларни прогноз қилиш жараёнига хос жараённинг халқаро тажрибасини тадқиқ этиш шу нарсани кўрсатмоқдаки, бу жараённинг ўзига хос куйидаги хусусиятларга эга:

биринчидан, солиқ тушумларини, жумладан, жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар бўйича прогноз қилиш, аввало, ҳар бир давлатнинг молиявий сиёсатидаги маъмурчиликнинг ташкил этилишидан келиб чиқиб фарқланади;

иккинчидан, солиқ тушумларини прогноз қилиш жараёнини амалга оширувчи органлар турли-тумандир;

учинчидан, прогноз жараёнини амалга оширишда қўлланилувчи методларнинг расмий белгиланиши билан фарқланади;

тўртинчидан, солиқ тушумларини прогноз қилишда асосий таъсир этувчи омиллар ёки индикаторларнинг танланиши ўзаро фарқланади;

бешинчидан, солиқ тушумларини прогноз қилишда қисқа, ўрта ва узоқ муддатли прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқишда бир хил ёндашувга эга эмас.

Кўпгина мамлакатларда жисмоний шахслардан олинадиган солиқ тушумларини прогноз қилиш жараёни сезиларли вақт давомида ривожланиб, уларга турли хил ижтимоий иқтисодий ва сиёсий омиллар таъсир кўрсатган. Шу сабабли турли мамлакатлардаги солиқ тизимлари нафақат солиқ турлари ва таркиби, ставкалари, йиғиш усуллари, балки ҳокимиятнинг солиқ-бюджет ваколатлари ва тақдим этилаётган имтиёзлари билан ҳам фарқланади. Бу шунингдек, ҳар хил турдаги мулклар, хусусан, кўчмас мулкни (шу жумладан турар жой бинолар, иншоотлар ва иморатлар, қурилган ва қурилмаган ерларни) солиққа тортиш учун ҳам қўлланилади.

Солиқ ставкалари иншоотларнинг материалига ҳам, объектнинг (турар жой, саноат ва савдо бинолари) ҳажми ва мақсадига боғлиқ. Жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар бўйича тушумларни прогноз қилиш ҳолати таҳлил қилинса, юқорида қайд этилган давлатлар орасида Россия Федерациясининг тажрибаси анча илғор, аниқ ва тегишли меъёрий ҳужжатлар асосида прогноз методлари ҳамда ҳисоблаш усуллари билан белгилаб

қўйилганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади, унинг ҳуқуқий асоси Россия Федерациясининг келгуси молия йили ва режалаштириш даври учун жамланма бюджетига тушумларни прогнозлаш методологияси⁶ ёрдамида амалга оширилади.

Диссертациянинг «**Жисмоний шахслардан олинадиган солиқларни прогноз қилиш механизмлари таҳлили**» деб номланган иккинчи бобида жисмоний шахслардан олинадиган солиқларни прогноз қилишнинг дастлабки ташкилий-услубий асослари ёритиб берилган, жисмоний шахслардан олинадиган солиқларни прогноз қилишда модел ва методлардан фойдаланиш масалалари таҳлил қилинган.

Дарҳақиқат солиқ тушумларини прогноз қилиш жараёнида унинг мақсадига қараб амалга ошириладиган вазифаларни белгилаб олиш ҳамда прогнознинг умумий йўналишларини белгилаб олиш муҳим услубий йўналишлардан ҳисобланади. Шу жиҳатдан муаллиф томонидан тадқиқот ишида жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар бўйича прогноз жараёнини амалга оширишнинг мақсади, вазифалари тамойилларини ишлаб чиқилди ҳамда прогноз жараёнига зарур ахборот маълумотларини шакллантириш тизими яратилди. Шундан келиб чиққанда жисмоний шахслардан олинадиган солиқларни прогноз қилишнинг:

мақсади – навбатдаги ёки ўрта ва узоқ муддатли бюджет режасининг лойиҳасида жисмоний шахслардан ундириладиган солиқларни мавжуд солиқ қонунчилиги, ижтимоий-иқтисодий ҳамда солиқ салоҳиятидан келиб чиққан прогноз кўрсаткичларининг аниқлигини таъминлаш;

вазифалари – бюджет лойиҳасини шакллантиришга ишончли маълумотлар тақдим этиш, миллий иқтисодиёт ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш прогноз кўрсаткичлари учун таҳлилий ахборот бериш, солиқ тушумларига таъсир этувчи омилларни тизимли баҳолаш, давлат, республика ва маҳаллий бюджетлар ўртасидаги муносабатларни тартиблашга хизмат қилиши, миллий иқтисодиёт, ҳудудлар ўртасида пул оқимларини бошқаришга услубий ёрдам кўрсатиш, молиқ қонунчилиги, ижтимоий-иқтисодий ҳамда солиқ салоҳиятидан келиб чиққан прогноз кўрсаткичларининг аниқлигини таъминлаш, давлатнинг молия-солиқ соҳасидаги сиёсатини ишлаб чиқишга муҳим фундаментал-услубий асослар тақдим этиш;

тамойиллари – аниқлилик, объективлилик, қонунийлик, тизимлилик, илмий асосланганлик, мувофиқлик тамойилларига амал қилиш мақсадга мувофиқ.

Жисмоний шахслардан олинадиган солиқларни прогноз қилишнинг ташкилий-услубий жараёнидаги яна бир муҳим босқич бу прогноз жараёнига зарур ахборот базасини шакллантириш, уни гуруҳлаш, қайта ишлаш ҳамда ўринли фойдаланиш ҳисобланади. Прогноз жараёнида ахборотлар базасини шакллантириш ва уни тегишли тартибда гуруҳлаш энг қалтис босқич ҳисобланади, чунки ахборотларга таянган ҳолда таҳлил амалга оширилади ва

⁶Методики прогнозирования поступлений доходов в консолидированный бюджет Российской Федерации на очередной финансовый год и плановый период. Министерство финансов Российской Федерации, Федеральная налоговая служба. Приказ от 23 августа 2017 года № ММВ-7-1/645.

прогнозда қўлланилувчи методлар асосида прогноз кўрсаткичлари аниқланади, агар, ахборотлар нотўғри гуруҳланса гарчи методлар тўғри танланса-да, бироқ прогноз натижалари ҳақиқий ҳолат билан жуда фарқланишларга олиб келиши, провардида эса, бюджет сиёсати самарадорлигига салбий таъсир қилади (1-расм).



1-расм. Жисмоний шахслардан олинадиган солиқларни прогноз қилиш ахборот манбалари⁷

Солиқ тушумларини прогноз қилишнинг энг муҳим талаб этилувчи босқичларидан бири таҳлилий босқичдир. Солиқ тушумларини таҳлил қилиш прогноз кўрсаткичларини аниқлашда оралиқ тактика саналади.

Амалга оширилган ишлардан таҳлилий хулосалар чиқарилса, бир қатор тенденцияларни кузатиш мумкин. Биринчидан, республикамызда жисмоний шахслардан олинадиган солиқларни прогноз қилишда таҳлилнинг муҳим шarti холислик ва объективликка асосланиш прогноз кўрсаткичларига ижобий таъсир этади. Иккинчидан, жисмоний шахслардан олинадиган солиқларни прогноз қилишда амалга оширган таҳлилларимиз республикамызда мазкур солиқлар бўйича солиқ тушумлари, солиқ тўловчилар сони, уларга берилган солиқ

⁷ Муаллиф ишланмаси.

имтиёзлари, солиқ қарздорлигининг ҳолати динамик тарзда ошиб бораётганлигини кузатиш мумкин.

Солиқ тушумлари ва солиқ тўловчилар сони ошиб бориши прогноз кўрсаткичларига ижобий таъсир қилса-да, аммо, солиқ қарздорлиги ва солиқ имтиёзларининг таъсири биринчиси бўйича салбий ва кейингиси бўйича эса эҳтимолийдир. Солиқ тушумларига таъсир этувчи омиллар: иш ҳақи, банд бўлган аҳолини сони, мол-мулк ва ер участкалари сони ошиши ижобий тенденция бўлиб, аммо, ҳудудлар бўйича бу кўрсаткичларда беқарорлик мавжуд, бу эса маҳаллий бюджетлар доирасида прогноз кўрсаткичларини аниқлашда қийинчиликлар туғдиради.

Диссертациянинг «**Жисмоний шахслардан олинадиган солиқларни прогноз қилиш механизмларини такомиллаштириш**» деб номланган учинчи бобида жисмоний шахслардан олинадиган солиқларни прогноз қилишнинг эконометрик таҳлили ўтказилган ва прогнозлар қилинган, шунингдек, жисмоний шахслардан олинадиган солиқларни прогноз қилиш жараёнини такомиллаштириш йўналишлари ёритиб берилган.

Тадқиқотда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи, мол-мулк солиғи, ер солиғи бўйича корреляцион-регрессион таҳлил амалга оширилиб, эконометрик модел ёрдамида прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.



2-расм. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича прогноз кўрсаткичлари⁸

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тушумига таъсир қилувчи омиллар ҳисобланган: ялпи ички маҳсулот, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тўловчилар сони, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича декларация топширганлар сони, ўртача номинал иш ҳақи, ўртача солиқ ставкаси ва инфляция даражаси танланган


⁸ Муаллиф ишланмаси.

ҳолда регрессион ва корреляцион модел тузилди, унинг асосида қуйидаги натижалар олинди:

1) Ялпи ички маҳсулот ҳажмининг 1 фоизга ошиши жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тушумни 0,36 фоизга ошишига, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича декларация топширганлар сонининг 1 фоизга ошиши жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тушуми 0,30 фоизга ошишига олиб келади. Бироқ ўртача солиқ ставкасининг 1 фоизга ошиши жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тушуми 2,23 фоизга камайишига олиб келади.

2) Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича ўрта муддатли прогноз кўрсаткичлари аниқланди.

Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи тушумига таъсир этувчи омиллар ҳисобланган: ялпи ички маҳсулот, жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи тўловчилар сони, қарздорлик суммаси, солиқ имтиёзлари суммаси ва инфляция даражасининг таъсири регрессион ва корреляцион усулда таҳлил қилинди.




3-расм. Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича прогноз кўрсаткичлари⁹

Кўп омилли эконометрик модел асосида жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича бюджетга тушуми йиллар кесимида прогноз кўрсаткичлари аниқланди. Яъни жисмоний шахсларнинг ер солиғи бўйича қарздорлик суммаси 1 фоизга ошиши жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи тушуми 0,33 фоизга камайиши ҳамда инфляция даражасининг 1 фоизга ошиши эса жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи тушуми 0,30 фоизга камайишига олиб келади. Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича ўрта муддатли прогноз кўрсаткичлари аниқланди.

⁹ Муаллиф ишланмаси.

Жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи бўйича бюджетга тушумга таъсир этувчи омиллар ҳисобланган ялпи ички маҳсулот, жисмоний шахслардан мол-мулк солиғи тўловчилар сони, жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғи бўйича қарздорлик суммаси, жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғи бўйича солиқ имтиёзлари суммаси, ўртача солиқ ставкаси ва инфляция даражасининг таъсири регрессион ва корреляцион таҳлили амалга оширилиб, мол-мулк солиғи бўйича бюджетга тушуми прогноз қилинди.




4-расм. Жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи бўйича прогноз кўрсаткичлари¹⁰

Ялпи ички маҳсулот ҳажмини 1 фоизга жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи тушуми 1,35 фоизга ўсишига, жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғи бўйича солиқ имтиёзлари суммаси 1 фоизга ошиши жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи тушуми 0,29 фоизга камайишига ҳамда ўртача солиқ ставкаси 1 фоизга ўсиши эса жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи тушуми 0,23 фоизга кўпайишига олиб келиши мумкин.

Ҳозирги кучли рақобатга асосланган бозор муносабатларида давлат бюджетига солиқ тушумларини таъминловчи солиқ тўловчилар доимо рақобат муҳитида фаолият юритади, бу эса солиқ тушумларининг белгиланган прогноз кўрсаткичлари доирасида тушмай қолиш рискинни келтириб чиқаради, солиқ тўловчи доимо таваккалчиликка асосланиб фаолият юритар экан, жамиятда турли хил ижтимоий-иқтисодий ва техноген ҳодисалардан кафолатланмаган ҳолат мавжуд экан, солиқ рисқи ҳам доимий мавжуд бўлади.

Солиқларни прогноз қилиш жараёни солиқ рисқи билан доимий боғлиқ бўлади, агар, солиқ рисқи тўғри баҳоланса, солиқларни прогноз қилиш жараёнидаги хатоликлар ёки аниқликка эга кўрсаткичларнинг ҳақиқий солиқ тушумлари ўртасидаги мутаносиблик таъминланади.

¹⁰ Муаллиф ишланмаси.



5-расм. Солиқларни прогноз қилишда риск таҳлили модели¹¹

Солиқ рискинни бошқаришга доимо эҳтиёж мавжуд, уни бир маромда бошқариш учун эса, унинг даражасини баҳолаш керак. Ўз навбатида, солиқ рискинни баҳолаш эса маълум бир тизимли моделларни талаб этади.

¹¹ Муаллиф ишланмаси.

Жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар бўйича маҳаллий бюджетларнинг молиявий рискин куйидагича аниқлаш мақсадга мувофиқ:

Маҳаллий бюджетнинг молиявий рисқи даражаси:

$$(MP_{MB}) = -\Sigma C\text{XO}\text{XCTK} + \Sigma C\text{TO} + \Sigma BK\text{TD}, \quad (1)$$

бу ерда: $\Sigma C\text{XO}\text{XCTK}$ – солиқ рисқи ошиши ҳисобига солиқ тушумлари камайиши;

$\Sigma C\text{TO}$ – солиқ тушумларининг ошиши;

$BK\text{TD}$ – бошқа кўзда тутилмаган даромадлар бўйича тушумлар.

Агар,

$$\Sigma C\text{TO} > \Sigma C\text{XO}\text{XCTK} \text{ ёки } \Sigma BK\text{TD} > \Sigma C\text{XO}\text{XCTK} \text{ бўлса,}$$

солиқ рисқи нолга тенг бўлади ва маҳаллий бюджет прогноз кўрсаткичларининг бир маромда бажарилиши таъминланади, деб хулоса қилиш мумкин.

Ўз ўрнида солиқ рисқи коэффициентини ҳам аниқлаш ҳам муҳим саналади. Муаллиф тавсиясига кўра, у куйидаги кўринишга эга бўлади:

Солиқ рисқи коэффициенти куйидагича ҳисобланади:


$$(K_{cp}) = \Sigma C\text{XO}\text{XCTK} / M\text{B}_{сдп} \quad (2)$$

бу ерда: $M\text{B}_{сдп}$ – маҳаллий бюджетларнинг солиқли даромадлари прогноз кўрсаткичи.

Агар, бу коэффициент 0,10 коэффициентдан ошса, солиқ рискининг даражаси юқори бўлиб, у маҳаллий бюджетдан белгиланган харажатларни амалга ошириш камайишига олиб келади, бу ерда солиқ рискининг энг куйи чегарасини 0,10 коэффициент қилиб белгиланиши, иқтисодий прогнозларда статистик максимал хатолик максимум 10 фоиз қилиб белгиланишидир. Агар бу коэффициент 0,05 дан кам бўлса, ўртача нормал ҳолат деб баҳоланиши керак. Муаллифнинг фикрича, мазкур коэффициентларни аниқлаб, бюджет даромадлари бўйича тегишли чоралар кўриб бориш ўз моҳиятига эга.

Жисмоний шахслардан олинадиган солиқларни прогноз қилиш жараёнида яна бир муҳим нарса уни амалга оширишнинг методологик масаласидир. Прогноз қилиш тизимлиликка асосланиши керак, тизимнинг элементлари ўзаро диалектик боғлиққа эга бўлиши лозим. Бу эса унинг алгоритмик моделини тақозо этади. Солиқларни прогноз қилишнинг модел ва методлари умумийликка эга бўлса-да, аммо солиқларнинг турлари бўйича улар маълум бир ўзига хосликка эга бўлади.

Шу боисдан тадқиқот иши доирасида муаллиф томонидан «Жисмоний шахслардан олинадиган солиқларни прогноз қилиш алгоритмик модели» ишлаб чиқилди. Мазкур модел «прогноз мақсади ва даражасини белгилаш», «прогноз жараёнига зарур ахборот базаси шакллантириш», «солиқ тушумлари таҳлилини амалга ошириш», «солиқ салоҳияти ва унга таъсир этувчи омилларни баҳолаш», «прогноз мақсади ва муддатдан келиб чиқиб солиқни прогноз қилиш модел ва методларини аниқлаш», «прогноз кўрсаткичларига таъсир этувчи омилларни баҳолаш», «прогноз вариантларини ишлаб чиқиш ва улар орасида энг оптималини танлаш», «энг оптимал прогноз варианты орқали бюджет даромадларни режалаштириш» сингари ўзаро боғлиқ блокларни ўз ичига олади.



